**Дори-дармон ва тиббий воситаларни етказиб бериш тўғрисида**

**Ш А Р Т Н О М А № 15**

**Бухоро ш.** **« 21 « Январь 2022 йил**

Бухоро Дори Дармон М Ч Ж номидан ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Ахатов Д.Б. тимсолида, бир томондан ва Бухоро шахар тугрук комплекси номидан ўзининг Низоми асосида иш юритувчи бош врач З. М. Саидова тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1.ШАРТНОМА МОҲИЯТИ.

1.1.«Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни талабномаси асосида мазкур шартномага илова қилинган спецификацияга асосан дори-дармон ва тиббиёт маҳсулотлари билан таъминлаш, «Истеъмолчи» олган махсулот қийматини «Таъминотчи»нинг банкидаги тегишли ҳисоб-рақамига келишилган муддатда ўтказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2.Шартноманинг тузилган вақтидаги умумий йиллик баҳоси 4 404 768,38сум.( Турт миллион турт юз турт минг етти юз олтмиш саккиз ) сум.88 тийин.ташкил этади . Етказиб берилган дори-дармонлар ва тиббий воситалар бўйича ҳисоб-китоблар мазкур шартноманинг графики асосида бюджетдан ташкари ажратилган маблағлар доирасида, 2022 йилги харажатлар сметасидаги лимитлардан ошмаган холда тўланади.1.3.

| № | Номланиши | Ул.бир | Сони | Суммаси | Жами | Аксиз солиги | | НДС | | Жамиси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | % | сумма | % | сумма | |
| 1 | Натрия оксибутират 200мг/мл 5 мл№5 | упак | 4 | 21 437,22 | 85 748,88 | --- | ------ | ----- | ------------- | 85 748,88 |
| 2 | Диазепам р-р 5 мг/мл 2 мл №10 | упак | 4 | 17 451 | 69 804 | --- | --- | ------ | ------------ | 69 804 |
| 3 | Окситоцин Ферейн д/инъ 5МЕ 1 мл №10 | упак | 200 | 5 894,02 | 1 178 804 | --- | ------ | ------ | ----------- | 1 178 804 |
| 4 | Омнопон р-р для п/к введ | амп | 200 | 8 443,49 | 1 688 698 | --- | ------ | ------ | ------------ | 1 688 698 |
| 6 | Тримеперидин р-р д/инь 20 мг/мл 1 мл (промедол) | амп | 50 | 7 196,02 | 359 801 | --- | ------ | ----- | ------------- | 359 801 |
| 7 | Дексаметазона р-р д/инь 4 мг/мл №25 | упак | 50 | 20 438,25 | 1 021 912,50 | --- | ----- | ----- | ----------- | 1 021 912,50 |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | **Жами:** | | | | **4404768,38** | | | | | **4 404 768,38** |

**Жами: 4 404 768,38 сум. ( Турт миллион турт юз турт минг етти юз олтмиш саккиз ) сум.38 тийин.**

**2.МАҲСУЛОТ СИФАТИ.**

2.1. «Истеъмолчи»га ЎзРда фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларига жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган, ишлатиш муддати 50% дан кам бўлмаган дори-дармонлар ва тиббий маҳсулотлар етказиб берилади.

**3.МАҲСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ.**

3.1. Шартномага илова қилинадиган дори-дармон воситаларини етказиб бериш 2022 йил “31“декабр”гача амалга оширилади.

3.2. Маҳсулотлар «Истеъмолчи»га ўзаро келишилган транспорт воситаларида тўлов талабномалари ва бошқа ҳужжатлар билан қўшиб жўнатилади. Юкни жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар «Таъминотчи» нинг зиммасига юклатилади.

3.3. Гиёхванд, прекурсорлар, захарли ва психотроп дори-дармонлар «Истеъмолчи» томонидан тегишли хуқуқий органлар томонидан махсус рухсатномалар билан «Таъминотчи» “Истемолчи”нинг омборхонасидан олиб кетилади.

**4. ҲИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ШАРТЛАРИ.**

4.1. Ушбу шартноманинг умумий **4 404 768,38 сум.( Турт миллион турт юз турт минг етти юз олтмиш саккиз )сум.38 тийин.** Вазирлар Махкамасининг карорига асосан олдиндан 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январь ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов хисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдикловчи хужжат) тақдим килингандан сўнг 2022 йил “31” декабргача амалга оширилади.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблаглари хисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

4.4. Тўлов шакли накд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

**5.ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

5.1.Томонлар ушбу шартномани қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун мулкий жавобгардирлар.

5.2.Шартноманинг 4.1. бандига асосан «Истеъмолчи» маҳсулотнинг тўланмаган қийматини бир ойдан кечиктириб тўлашга йўл қўйса, кечиктириб тўланаётган суммадан хар бир кун учун 0,05% «Таъминотчи»ни фойдасига пеня тўлайди. Лекин пеня қиймати тўлов суммасининг 20% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3.Шартноманинг 2.1. бандига асосан «Таъминотчи» томонидан сотилган маҳсулот сифатсизлиги тегишли хужжатлар билан тасдиқланса, у ҳолда «Таъминотчи» сифатсиз маҳсулотни сифатли маҳсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади.

5.4. .«Таъминотчи» ўз вақтида буюртмада кўрсатилган маҳсулотни омборидан «Истеъмолчи»га ўз етказиб бермаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га маҳсулотни кечиктириб етказганидан ҳар бир кун учун маҳсулотнинг умумий қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди.

5.5.«Таъминотчи»нинг ҳисоб-китоб фактурасида маҳсулот солинган қуттилар (тара)ни қайтарилиши қайд этилган бўлса, қутилар 3 кун ичида қайтарилиши керак. Акс холда қутилар қийматидан қуйидагича жарима солинади: 30 кундан кечиктирилса 10%, 40 ва ундан ортиқ кун учун 20%.

## 6.НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.
6.2.Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг келишувига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, жавобгар жойлашган ҳудуднинг хўжалик суди орқали ҳал қилинади.
6.3.Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалаларни тарафлар ЎзР Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга амал қилган ҳолда тартибга келтирилади.

## 7.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «31»декабргача амалда бўлади.
7.2. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёзма равишда тарафлар томонидан тасдиқлангандан кейингина ҳақиқий деб ҳисобланади.
7.3. Моддаларни кўрсатувчи сўз боши шартнома матнини ишлатишда қулайлик яратиш учун қўйилган ва булар шартномани бошқача талқин қилишга асос бўлмайди.
7.4. Ушбу шартнома тарафларнинг барча шартларини акс эттирган.
7.5. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган "Бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси қоидаларига"га асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| «Таъминотчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| Бухоро Дори Дормон М Ч Ж | **Бухоро шаҳар тугрук комплекси** |
| Манзил:Бухоро шахри Шайхул Олам кучаси 40<br>Тел./факс 225 -36-15<br>х/в 20208000900405018001<br>Банк номи Миллий банк Бухоро шахри<br>МФО 00084<br><br>ОКОНХ 71212<br>СТИР 200851700<br><br>Раҳбар ________ Ахатов Д. Б<br><br>*Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):* ________ | Манзил: **пос Мохи-хосса Шифокор № 2**<br>Бухоро шаҳри<br>Тел./факс 228-51-25, 228-50-30<br>ш/ҳ* 100021860064017073310054001<br>бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201512052<br>ОКОНХ_91516<br>**Ғазначилик бўлинмаси номи: Бухоро вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси**<br>**Ғазна х/в: 23402000300100001010**<br>**Банкнинг номи: Бухоро вилоят Марказий банкнинг ХККМ**<br>**МФО: 00014**<br>**Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919**<br>**Бош врач З М Саидова** |

BUXORO SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI BUXORO DORI-DARMON

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYAT HOKIMLIGI BUXORO SHAHAR TUG'RUQ KOMPLEKSI